


Қуёш нур фильтри: Фойдаланиш учун кўрсатмалар



Тўла қуёш тугилиши

2024 йил 8 апрель, душанба



TERMS AND CONDITIONS FOR USE OF ECLIPSE GLASSES

Please read these Instructions for Use carefully before using the Eclipse Glasses. Your purchase and use of the Eclipse Glasses constitutes your agreement to these Terms and Conditions. Failure to follow these Instructions for Use may result in serious personal injury, including permanent eye damage. If you do not understand these Instructions or cannot follow them diligently and completely, then you should not look at the Sun at any time, with or without the Eclipse Glasses.

The term “Eclipse Glasses” refers to the special cardboard-and-polymer optical products, marked “ISO 12312-2” and “SAFE FOR DIRECT SOLAR VIEWING”, manufactured by Rainbow Symphony of Reseda CA or American Paper Optics of Bartlett TN, and sold by Eclipse2024.org for the purpose of viewing the Sun during the solar eclipse of April 8, 2024, by or under the direct supervision of a person 18 years of age or above and in accordance with these Instructions for Use.

Observing the Sun directly, without the benefit of eye protection provided by the Eclipse Glasses, will likely result in serious personal injury, up to and including permanent eye damage and blindness. When these Instructions for Use are followed completely and precisely, the undamaged and unmodified Eclipse Glasses have been proven to be safe and effective in allowing direct, short-term viewing of the Sun. If these Instructions for Use are not followed, or if damaged or modified Eclipse Glasses are used, permanent eye injury could result.

You should never look directly at the Sun, with or without the aid of the Eclipse Glasses, if you have any temporary or permanent medical or other condition which either (1) prevents your use of the Eclipse Glasses according to these Instructions for Use, or (2) which predisposes you to an increased or special risk of incurring, worsening, or contributing to the effects of any optical condition, or other medical, health, or other condition, by looking or attempting to look at the Sun.

You should never attempt to perform any other activity (such as driving or walking) while using the Eclipse Glasses.

You agree that if you allow others to use the Eclipse Glasses, you will provide each such user with a copy of these Instructions for Use and will make sure such user reads and understands the Instructions for Use before using the Eclipse Glasses.

By using the Eclipse Glasses to view the Sun, you agree with the following:

- (a) you understand these Instructions for Use completely;
- (b) you understand and accept the risks associated with improper use of the Eclipse Glasses;
- (c) you accept full responsibility for, and assume all risks associated with, the act of viewing the Sun, with or without the use of the Eclipse Glasses; and
- (d) the Eclipse Glasses are fragile, and any damage or modification will render them immediately and permanently unusable for their intended purpose.

Release and Limitation of Liability

By way of purchasing and using the Eclipse Glasses, you are irrevocably releasing, indemnifying, and holding harmless the manufacturer and seller from any liability, loss, claim and expense (including attorney’s fees), including but not limited to bodily injury or other personal harm, which may result from using the Eclipse Glasses under any circumstances or conditions and irrespective of jurisdiction. Neither the manufacturer nor the seller will be responsible for any damages of any kind, irrespective of reasons, conditions or circumstances, including malfunctioning of the Eclipse Glasses. All risks associated with using the Eclipse Glasses rest solely and entirely with the user, irrespective of whether the Eclipse Glasses are used by the original purchaser or any third party. You fully understand and assume the risks in using the Eclipse Glasses. You confirm that you have read this release of liability and fully understand its terms and that you have given up substantial rights by purchasing and using the Eclipse Glasses.

THE MANUFACTURER AND SELLER OF THE ECLIPSE GLASSES MAKE NO WARRANTY OF ANY KIND, EXPRESSED OR IMPLIED, WITH RESPECT TO THE ECLIPSE GLASSES, INCLUDING BUT NOT LIMITED TO THE IMPLIED WARRANTIES OF MERCHANTABILITY, FITNESS FOR A PARTICULAR PURPOSE, AND NON-INFRINGEMENT. NEITHER THE MANUFACTURER NOR THE SELLER SHALL BE LIABLE FOR ANY OTHER DAMAGES, INCLUDING BUT NOT LIMITED TO DIRECT, INDIRECT, INCIDENTAL, SPECIAL, CONSEQUENTIAL, OR EXEMPLARY DAMAGES, WHETHER IN AN ACTION IN CONTRACT OR TORT (INCLUDING NEGLIGENCE AND STRICT LIABILITY), SUCH AS, BUT NOT LIMITED TO, LOSS OF ANTICIPATED PROFITS OR BENEFITS RESULTING FROM, OR ARISING OUT OF, OR IN CONNECTION WITH THE USE OR FURNISHING OF THE ECLIPSE GLASSES OR THE PERFORMANCE, USE OR INABILITY TO USE THE SAME, EVEN IF THE MANUFACTURER OR SELLER HAS BEEN ADVISED OF THE POSSIBILITY OF SUCH DAMAGES. IN NO EVENT WILL THE MANUFACTURER’S OR SELLER’S TOTAL LIABILITY EXCEED THE PRICE PAID FOR THE PRODUCT.

Note Regarding Translations

[Translations](#) of these Instructions for Use into various languages are provided “AS-IS” and solely for the convenience of the reader. Eclipse2024.org has made reasonable efforts to ensure the accuracy of the Translations; however, in the event of any perceived discrepancy in meaning or interpretation between the English version and any Translation, the English version will prevail. You should not act in reliance on anything contained in any Translation of these Instructions for Use, but should refer to the official English version.


ТўЛА ҚУЁШ ТУТИЛИШИ – 2024 йилнинг 8 апрели

Шимолий Америкага ҳуш келибсиз!

Тўла қуёш тутилишини кўриш учун мамлакатимизга ташриф буюришга қарор қилганингиз биз учун улкан шарафдир ва биз бу фавқулодда ҳодисани ҳар бир киши саломатлигига зарар етказмасдан кузата олишини истаймиз!

*Биз қулайлик учун ушбу йўриқномани ўзбек тилида сизга тақдим этамиз. Йўриқноманинг инглизча кўринишидаги кўрсатмалар, тавсиялар ва йўриқномалар ахборотнинг тўлиқ ва расмий манбаси ҳамда офтобни кузатиш учун қуёш нур фильтридан тўғри фойдаланиш бўйича қўлланма саналади. Йўриқнома <https://tinyurl.com/2024Instructions> сайтида бор ва сиз уни диққат билан ўқиб чиқишингиз, тушунишингиз ва қуёш нур фильтридан фойдаланганда қатъий амал қилишингиз лозим. **Мазкур йўриқномага амал қилмаслик жиддий шикастланишга олиб келиши мумкин.***

2024 йилнинг 8 апрелида юз берадиган қуёш тутилишини астрономлар “тўлиқ тутилиш” деб атамоқда, аммо унинг тўлиқ тутилишини кўриш учун Шимолий Америка орқали ўтган анча торгина чизиқдан (бу ҳудудни “соя йўлидаги чизиқ” деб аташади) туриб кузатиш керак. Бу чизиқдан бошқа жойда фақат қисман тутилишигина кузата оласиз! Шу сабабли сиз режалаштирган кузатиш жойи ушбу чизиқ ичида эканлигини билишингиз жуда зарур. Қўйида бунга ёрдам берувчи усулни кўриб чиқамиз.



Соя йўлидаги чизиқ

ҚИСҚАЧА ҚЎЛЛАНМА

БАТАФСИЛ ЙЎРИҚНОМА

Ушбу ҳужжатда ишлатилган “Қуёш нур фильтри” атамаси кўрсатмаларнинг, шунингдек, ушбу йўриқноманинг инглизча кўринишидаги “Eclipse Glasses” маъносини англатади.

Қуёш тутилишини кузатиш учун мазкур қуёш нур фильтридан фойдаланиб, сиз ўз-ўзидан ҳуқуқий келишув қатнашчисига айланасиз. Сиз қуёш тутилиш даврида фазаларини кузатиш учун қуёш нур фильтридан фойдаланганда ушбу ҳужжатдаги барча йўриқнома, тавсия ва кўрсатмаларга риоя қилиш мажбуриятини оласиз. Агар йўриқномани тушунмасангиз, унинг талабларига бутунлай ва тўла-тўқис амал қилмасангиз ёки қўшилмасангиз, сизга бу усулларнинг ҳар қанақасидан фойдаланиб қуёш тутилишини кузатиш қатъиян тақиқланади.

ҚУЁШ НУР ФИЛТРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА БАТАФСИЛ ЙЎРИҚНОМА

Мазкур йўриқнома сизга қуёш тутилишини кузатиш учун қуёш нур фильтридан фойдаланишда ўқишингиз, тушунишингиз ва тўла-тўқис бажаришингиз керак бўлган [батафсил йўл-йўриқлар тўпламининг ўзбек тилидаги қисқартирилган кўринишидир](#).









- 1) Eclipse2024.org/find-times сайтидан қаерда жойлашганингизни топинг ва у ерда қуёш тўлиқ тутилиши мумкинлигини аниқланг. Қисман (агар истасангиз) ва тўла фазаси тутилишининг тахминий вақтини билиб олинг.
- 2) Қуёш тўлиқ тутилиши бу фавқулодда қизиқарли ҳодиса, аммо сиз уни кенглиги тахминан 100 км бўлган “соя йўлидаги чизиқ”дан туриб кузата оласиз холос. Шу боисдан агар жойингизда тўлиқ тутилиш кузатилмаса, “соя йўлидаги чизиқ”қа ўтишингизни астойдил тавсия қиламиз!
- 3) Ушбу қуёш нур фильтрини ишлатганда линзалар плёнкасини кўзингизнинг олдида шундай тўғри ҳолатда тутингки, у кўзингизни қуёш нурларининг тўғридан-тўғри таъсиридан ҳимоя қилсин.
- 4) Ушбу қуёш нур фильтридан қандай ҳолатларда қуёшни кузатиш учун фойдаланиш керак?
 - a. Агар сизнинг жойингизда тутилиш **Тўлиқ Юз Бермаса**, бу ҳодисани фақатгина қуёш нур фильтри орқали кузатилади. АГАР ҚУЁШГА ТЕГИШЛИ ҲИМОЯСИЗ ҚАРАСАНГИЗ, Кўзингизни жиддий шикастлаб олишингиз хавфи бор!
 - b. Агар жойингизда қуёш **Тўла Тутилса**, сиз, ҳаттоки, қуёш гардишининг ёрқин нур таратаётган кичик қисми кўринганда ҳам уни фақатгина қуёш нур фильтри орқали кузатишингиз керак. УШБУ ЙЎРИҚНОМАГА АМАЛ ҚИЛМАСАНГИЗ, Кўзингизни жиддий шикастлаб олишингиз хавфи бор!
 - i. Аммо **ФАҚАТ тўлиқ тутилиш давридаги қисқа вақт давомида** қуёш гардишининг ёрқин қисми тўла ёпилганда тутилишни нур фильтрисиз кузатишингиз мумкин.
 - ii. Аслини олганда, қуёшга тўла фаза вақтида нур фильтри орқали қарасангиз, мутлақо ҳеч нарсани кўрмайсиз!
 - iii. Сиз тўла фаза якунига етиши биланоқ қуёш нур фильтридан фойдаланишни бошлашингиз керак, шунда қуёш гардишининг ёрқин қисми яна кўринади.
- 5) Бошқача айтганда,

ҲАТТОКИ, ҚУЁШНИНГ ЁРҚИН НУР СОЧАЁТГАН КИЧИК ҚИСМИ КўРИНГАНДА ҲАМ СИЗ КУЗАТИШ АСНОСИДА УШБУ НУР ФИЛТРИДАН ФОЙДАЛАНИШИНГИЗ КЕРАК!

ҚУЁШ НУР фильтри: фойдаланувчининг қисқача йўриқномаси

Даставвал, сиз айрим атамалар билан танишиб чиқишингиз керак!


Тутилиш шакли ва кузатувчининг жойлашган ўрнига қараб ҳар бир фаза ўзининг номига эга. Бу номлар қуйидагилардир:

Ҳодиса номланиши	Ҳодисанинг тавсифи	Ҳодисанинг кўриниши (тўлиқ тутилиш ҳолати учун)	Ҳодисанинг кўриниши (чала тутилиш ҳолати учун)
C1	Алоҳида фазанинг бошланиши		
C2	Тўлиқ фазанинг бошланиши		** Юз бермайди! **
Максимал фаза	Тутилишнинг қоқ ўртаси		
C3	Тўла фазанинг тугаши		** Юз бермайди! **
C4	Алоҳида фазанинг тугаши		

1) ҚУЁШ НУР ФИЛЬТРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА БАТАФСИЛ ЙЎРИҚНОМА



- 1) [агар қабул қилинса] Қуёш нур фильтрининг ўрамини эҳтиёткорлик билан очинг.
- 2) Нур фильтридан фойдаланмайдиган вақтингизда хавфсиз жойда сақланг.
- 3) Ҳар сафар фойдаланишингиздан олдин нур фильтрини текширинг. Агар линзалар плёнкаси шикастланган ёки кирланган бўлса, бу нур фильтрини ташлаб, [янгисини олинг](#).
- 4) Агар линзалар плёнкаси шикастланган бўлса, қуёш фазаларини кузатиш учун бундай қуёш нур фильтридан фойдаланманг.
- 5) Қуёш нур фильтридан плёнкасини чиқариб олманг ва чиқариб олинган плёнкадан қуёшни кузатишда фойдаланманг.
- 6) Қуёш нур фильтрининг тўғри ўрнатилган, шикастланмаган плёнкаси кўзни қуёшнинг ёрқин нурларининг зараридан, шунингдек, ультрабинафша ва бошқа хавfli нурлардан асрайди. Шундай қилиб, қуёш фазаларини кузатишда агар мазкур йўриқномада баён қилинган барча кўрсатмаларга амал қилсангиз, ушбу нур фильтридан фойдаланиш мутлақо хавфсиздир. Эсда тутингки, қуёш тутилиш вақтида унга қараш хавфини оширувчи ёки камайтирувчи “бошқалардан фарқли нурлари” бўлмайди.
- 7) **Сиз қуёш фазасини саломатлигингизга хавфсиз кузатиш учун қуёш нур фильтридан қуйидаги йўриқномада баён қилинганидек фойдаланишингиз керак. Бунда ёрқин нур сочаётган қуёшнинг кўринадиган қисми ўлчамининг аҳамияти йўқ. Бу қоида қайси манбада учраганингизда қатъи назар, қуёш тутилиши даврининг барча кўринишларига (аввалроқ тилга олинган “С2” ва “С3”) нисбатан амал қилади.**
- 8) Қуёш нур фильтрини ҳеч қачон телескоп, дўрбин, камера, оптик ойна, кўзгу, нурни синдирувчи ё қайтарувчи бошқа бирор оптик асбоб, мослама ёки қурилма (“оптик асбоб”) билан фойдаланманг.
- 9) Бундай оптик асбобни ҳеч қачон қуёшга қарата тўғриламаманг. Нурни фокусловчи, тўпловчи ёки акслантирувчи бирор-бир оптик асбоб орқали қуёшга қараманг.
- 10) Вақтинча ишга лаёқатсиз одамлар, ҳайвонларнинг ушбу нур фильтридан қуёшни кузатиш учун фойдаланишига йўл қўйманг. Шунингдек, хавфсиз фойдаланиш талабларини тўлиқ бажара олмайдиган, тушунмайдиган ва ўқий олмайдиган ёки ўз хатти-ҳаракатининг оқибати учун ҳуқуқий мажбуриятни зиммасига ололмайдиганларнинг нур фильтридан фойдаланишига йўл қўйманг.
- 11) Қуёш нур фильтридан қандай фойдаланиш керак?
Нур фильтрини олинг ва кўзингизга қўйинг. Қуёшга махсус ҳимоя плёнкаси (шикастланмаганлигига ишонч ҳосил қилиб) орқали қаранг. Қуёшга тўғри қараб турганингизда нур фильтрни олманг. Агар қуёш нур фильтрингиз картон кўзойнак кўринишида бўлса, картонни ёйсимон шаклда букинг, сўнгра нур фильтрини оддий кўзойнак каби тақинг. Қуёш тутилганда унинг фазаларини тўлиқ тутилишидан ташқари (яъни қуёш С2 ва С3 фазалари орасида жойлашганда, агар фаза маълумотлари сизнинг жойингиздан кузатилса, бу қуйидаги жадвалда келтирилган) фақатгина нур фильтрининг яхлит ва шикастланмаган плёнкалари орқали кузатишга рухсат этилади.
- 12) Қуёшни кузатиш чоғида унинг нурларидан кўзингизни ҳимоялаш учун нур фильтрининг оригинал гардишга маҳкамланган линза плёнкаларидан бошқа бирор материал ёки буюмдан фойдаланманг.
- 13) Агар мазкур йўриқномага доир саволларингиз бўлса <https://tinyurl.com/glasses-questions> сайтида Eclipse2024.org билан боғланинг.



2) ТУРГАН ЖОЙИНГИЗДАГИ ҚУЁШ ТУТИЛИШИНING АНИҚ ФАЗАЛАРИ ВАҚТИНИ БИЛИБ ОЛИНГ

Сизнинг жойингиз учун eclipse2024.org/find-times сайтидаги хабарга асосланиб, қуйидагилардан бирини танланг:

Мен турган жойда қуёш қуйидагича тугилади:



(тегишлисининг тагига чизинг)

Агар сиз турган жойда **ТЎЛА
ТУТИЛСА**, қуйидаги бўлимда
келтирилган йўл-йўриқларга амал
қилинг

“МЕНИНГ ЖОЙИМДА
ТЎЛИҚ ТУТИЛИШ ЮЗ
БЕРАДИ”

[Ўтиш:](#)

Агар сиз турган жойда **ТЎЛА
ТУТИЛМАСА**, қуйидаги бўлимда
келтирилган йўл-йўриқларга амал
қилинг














“МЕНИНГ ЖОЙИМДА
ТЎЛИҚ ТУТИЛИШ ЮЗ
БЕРМАЙДИ”

[Ўтиш:](#)

**** МЕНИНГ ЖОЙИМДА ТЎЛИҚ ТУТИЛИШ ЮЗ **БЕРАДИ** ****

Сиз “соя йўлидаги чизиқ”дасиз, шунинг учун бу ноёб ва ғаройиб ҳодисани мароқ билан кузата оласиз! Сизнинг жойингизда қуёшнинг тўлиқ тутилиш вақтини аниқлашингиз жуда муҳимдир. Сиз аниқ вақтни қўйидаги жадвалга киритадиган маълумотларингиз асосида аниқлашингиз мумкин. Бундан ташқари, сиз Қуёш Ой гардиши орқасига тўлалигича беркинганида тўла фаза бошланишини тушунаси.

- 1) Eclipse2024.org/find-times манзилидаги жойлашган ўрнингиз ҳақидаги маълумотдан фойдаланиб, тутилишнинг ҳар бир фазасининг тахминий [вақтини жадвалга ёзиб қўйинг](#) (вақтни ўз соат минтақангизга мувофиқлаштиришни унутманг):

C1 дан олдин	* Тутилиш юз бергани йўқ *				Қуёш нур филтритдан фойдаланишингиз КЕРАК
C1	Алоҳида фазанинг бошланиш вақти:				Қуёш нур филтритдан фойдаланишингиз КЕРАК
C2	Тўла фазанинг бошланиш вақти:				S2дан сўнг нур филтрисиз тутилишни кузатишингиз мумкин
Максимал фаза	Юз бериш вақти:				Сиз бу ҳодисани нур филтрисиз кузатишингиз мумкин!
C3	Тўла фазанинг туғаш вақти:				Қуёш нур филтритдан яна фойдаланишингиз КЕРАК
C4	Алоҳида фазанинг туғаш вақти:				Қуёш нур филтритдан фойдаланишингиз КЕРАК
C4 дан кейин	* Тутилиш юз бергани йўқ *				Қуёш нур филтритдан фойдаланишингиз КЕРАК

- 2) “Соя йўлидаги чизиқ” да жойлашганингизга қарамай, тўлиқ тутилиш фазаси етиб келгунгача қуёшнинг С2 гача ва С3 дан кейинги фазаларини кузатиш учун нур фильтридан фойдаланишингиз керак.
- 3) Сиз қуёшни нур филтрасиз фақат қуйидаги уч шартга бир вақтда амал қилганингиздагина кузатишингиз мумкин:
 - a. турган жойингизда тўлиқ тутилганда (яъни тўлиқ тутилиш чизиғида турибсиз)
 - b. умумий фаза вақтида (сизнинг жойингиздаги тахминан С2 ва С3 фазалари орасидаги вақт даври, буни жадвалга белгилайсиз)
 - c. қуёшни ой тўла тўсиб қўйганда.

Умумийлик вақти сизнинг жойингизга қараб сезиларли равишда фарқланади, шунинг учун тахминий вақтни олдиндан белгилаб ва қайд этиб қўйиш жуда муҳимдир. Эсда тутинг: бу вақт тахминий холос!

- 4) Диққат қилинг: юқорида кўрсатилган жадвалдаги ёки сиз кўришингиз мумкин бўлган бошқа манбалардаги қуёш тутилиши фазаларидан қатъи назар, ҳаттоки, **ҚУЁШ ГАРДИШИНИНГ КИЧИК ҚИСМИ КЎРИНГАНДА ҲАМ унга махсус нур фильтри орқалигина қарашингиз лозим.**
- 5) Мазкур йўриқнома яхшироқ англаниши учун график иловалар қўшиб берилмоқда.

Сиз уни диққат билан ўқишингиз, тушунишингиз ва қуйидаги қоидаларга тўлиқ амал қилишингиз керак:











**МЕН ҚУЁШ НУР ФИЛЬТРИДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН
БАРЧА ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРГА АСТОЙДИЛ РИОЯ ҚИЛИШ
МАЖБУРИЯТИНИ ОЛАМАН.**

**АГАР ТУТИЛИШ ВАҚТИДА ҚУЁШНИНГ ЁРҚИН
ҚИСМИ КЎРИНСА, МЕН КУЗАТИШ УЧУН ҚУЁШ
НУР ФИЛЬТРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
МАЖБУРИЯТИНИ ОЛАМАН.**

**** МЕНИНГ ЖОЙИМДА ТЎЛИҚ ТУТИЛИШ ЮЗ **БЕРМАЙДИ** ****

Сиз “соя йўлидаги чизиқ”дан ташқаридасиз, шу сабабли унинг бор бетакрорлигини ҳис эта олмайсиз. (Биз бу мислсиз ҳодисанинг гувоҳига айланиш имконига эга бўлишингиз учун ушбу чизиқ ҳудудига ўтишингизни астойдил тавсия қиламиз!)

- 1) Eclipse2024.org/find-times манзилидаги жойлашган ўрнингиз ҳақидаги маълумотдан фойдаланиб, тутилишнинг ҳар бир фазасининг тахминий [вақтини жадвалга ёзиб қўйинг](#) (вақтни ўз соат минтақангизга мувофиқлаштиришни унутманг):

C1 дан олдин	* Тутилиш юз бергани йўқ *				Қуёш нур фильтридан фойдаланишингиз КЕРАК
C1	Алоҳида фазанинг бошланиш вақти:				Қуёш нур фильтридан фойдаланишингиз КЕРАК
Максимал фаза	Юз бериш вақти:				Қуёш нур фильтридан фойдаланишингиз КЕРАК
C4	Алоҳида фазанинг тугаш вақти:				Қуёш нур фильтридан фойдаланишингиз КЕРАК
C4 дан кейин	* Тутилиш юз бергани йўқ *				Қуёш нур фильтридан фойдаланишингиз КЕРАК



(ЭСЛАТМА: C2 ва C3 фазалари кўрсатилмаган, чунки сизнинг жойингизда тутилиш тўла содир бўлмайди!)

- 2) **Модомики, сизнинг жойингизда тутилиш тўлиқ юз бермас экан, сиз қуёшни кузатиш учун ДОИМО қуёш нур фильтридан фойдаланишингиз керак.** Яна бир марта қуёш тўла тутиладиган ҳудудга кўчишингизни тавсия қиламиз. Саломатлигингизга зиён етказмасдан қуёш тутилишининг алоҳида фазаларини кузатиш учун ўзингиз билан қуёш нур фильтрини олишни унутманг!
- 3) Мазкур йўриқнома яхшироқ англаниши учун график иловалар қўшиб берилмоқда.

Сиз уни диққат билан ўқишингиз, тушунишингиз ва қўйидаги қоидаларга тўлиқ амал қилишингиз керак:

МЕН ҚУЁШ НУР ФИЛЬТРИДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН **БАРЧА ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРГА АСТОЙДИЛ РИОЯ ҚИЛИШ МАЖБУРИЯТИНИ ОЛАМАН.**

МЕН ҚУЁШНИ КУЗАТИШДА ҚУЁШ НУР ФИЛЬТРИДАН **ҲАМИША ФОЙДАЛАНИШ МАЖБУРИЯТИНИ ОЛАМАН.**



PDF

Ўзбек тили

GRAN ECLIPSE NORTEAMERICANO
GRANDE ÉCLIPSE NORD - AMÉRICAINÉ
GREAT NORTH AMERICAN ECLIPSE

